O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG`ONA VILOYATI
Marg`ilon shahar
hokimining

Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Хокима
города Маргилана

«09» 09 2019 yil № 1756

Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб қилиш мақсадида шаҳардаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида

Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жаб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6,25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомнинг 39-моддасига кўра шаҳар халқ таълими бўлимининг "Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб қилиш учун таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида"ги 2019 йил 09 августдаги 0/344-сонли мурожаатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шаҳар халқ таълими бўлимининг 2019 йил 09 августдаги "Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида шаҳардаги таълим муассасаларини ҳудуд ва микрохудудларга бириктириш тўғрисида"ги 01/344-сонли мурожаати маъқуллансин.

2. Шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасалари ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар ҳокимлиги бош мутаҳассиси (Д.Абдувоҳидов) шаҳар халқ таълими бўлими (Н.Азизов) билан биргаликда шаҳардаги умумтаълим мактаблари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга узлуксиз қатнашишлари ҳолати юсазидан мониторинг олиб боришни йўлга қўйсин.

4. Шаҳардаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудудлардаги мактаб ёшидаги болаларни умум таълим муассасаларига жалб этишга шахсан масъул эканликлари ушбу қарор билан белгилаб қўйилсин.

5. Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ишини мувофиқлаштириш шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

(Қ.Максудов), маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим мактабларига жалб этиш жараёнида халк таълими бўлимига ҳамда умумтаълим мактаблари раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

6. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Т.Бекназаров) мазкур қарорни шаҳар ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштиришни ҳамда "Марғилон ҳақиқати" рўзномасига расмий эълон қилинишини таъминласин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Т.Бекназаров ва шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Д.Абдувоҳидов зиммасига юклатилсин.

FARG'ONA VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
DAYON
QISMI

Шаҳар ҳокими **М.Убайдуллаев**